O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV №

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ♦ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 1999 йил 1 май, шанба • № 35 (11.118) • Эркин нархда сотилади

ЎЗБЕКИСТОН XXI АСРГА ИНТИЛМОҚДА

РЕСПУБЛИКА таълим марказида Халқ таълими вазирлиги тизимидаги муассаса ва ташкилотлар ходимларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Олий Мажлис ўн тўртинчи сессиясида «Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда» мавзуида қилган маърузасини ўрганиш бўйича йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишни республика Халқ таълими вазири Ж. Йўлдошев очар экан, давлатимиз раҳбари ёшлар билан ишлаш масалаларига жиддий эътибор қаратаётганликлари, сессиядаги маърузаларида «Биз мамлакатимизнинг истиқболи ёш авлодимиз қандай тарбия топишига, қандай маънавий фазилатлар эгаси бўлиб вояга етишига, фарзандларимизнинг ҳаётга нечоғли фаол муносабатда бўлишига, қандай олий мақсадларга хизмат қилишига боғлиқ эканлигини ҳамиша ёдда тутишимиз» зарурлигини алоҳида таъкидлаганликларини айтди. Бу эса устоз ва муаллимларга катта ишонч биллан дириш билан бирга улар зиммасига юксак масъулият ҳам юклайди.

Сўзга чиққанлар халқ таълими ходимлари Юртбошимиз маърузаларида баён этилган йўл-йўриқлар асосида ўз ҳақ-ҳуқуқларини танийдиган, ўз кучи ва имкониятларига таянадиган, атрофида содир бўлаётган воқеа-ҳодисаларга мустақил муносабат билан ёндашадиган, айни замонда, шахсий манфаатларини мамлакат ва халқ манфаатлари билан уйғун ҳолда кўрадиган эркин, ҳар жиҳатдан баркамол инсонларни тарбиялашга ўзларининг бутун куч ва тажрибаларини сарфлаяжакларини таъкидладилар.

(ЎзА).

Вилоят ҳокимлигида

ХОТИРА, ҚАДР ВА ОҚИБАТ

ИНСОН хотираси билан тирик. Қадр-қиммати билан азиз. Оқибати билан улуғ. Халқимиз шу кунларда Президентимиз ташаббуси билан туғилган ва ана шу сўзларнинг туб маъзи ҳамда аҳамиятини ўзида мужассам этган байрамга — 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлашга катта ҳозирлик кўрмоқда. Бу табаррук кунга Тошкент вилоятида, унинг барча шаҳар ва туманларида ҳам тайёргарлик ишлари сўнгги босқичга кирди.

Кеча — 30 апрель куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда ҳам жойларда Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш, бу борада Вазирлар Маҳкамаси ва вилоят ҳокими қарорларининг бажарилиши юзасидан олиб борилаётган ишлар муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят бўлим, бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг муовинлари, қатор саноат корхоналарининг раҳбарлари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Белгиланган ҳар бир тадбирнинг ўз ўрни бор. Лекин мамлакатимизда биринчи бор нишонланадиган ва халқимизнинг яна бир улуғ кунларидан бирига айланиб қоладиган 9 Май — Хотира ва Қадрлаш кунининг аҳамияти алоҳида. Чунки, таъбир жоиз бўлса, бу айём халқимизнинг сохталаштирилган хотираларининг ҳақиқатга айланиши, миллий қадр-қимматимиз тиклашининг яна бир белгисидир. Ана шунинг учун ҳам Юртбошимизнинг ташаббусини халқимиз тўла қўллаб-қувватлади. Шундай экан, бу кун ҳар бир вилоят, шаҳар ва туманда муносиб ўтказилиши зарур. Зеро, кексаларимизнинг қадр-қимматини жойига қўйиш, ўтганларнинг руҳини шод этиш, айни вақтда, ёшларимизнинг маънавий, тарбиявий дунёқарашини шакллантириш алоҳида аҳамиятга моликдир.

Йиғилишда қатор шаҳар ва туманларда барпо этилаётган Хотира хиёбонларида амалга оширилаётган ишлар, корхона ва ташкилотларда, муассасаларда айёмни ўтказиш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш юзасидан мутасадди раҳбарларнинг ахборотлари тингланди. Паркентда ўтадиган вилоят Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарликнинг бориши юзасидан фикр-мулоҳазалар айтилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан аниқ вазифалар ва қўшимча тадбирлар белгиланди.

СОҒЛОМ АВЛОД УЧУН СОҒЛОМ МАСКАН КЕРАК

СОҒЛОМ, баркамол авлодни вояга етказиш, унинг тарбияси билан шуғулланиш бир кунлик, бир ойлик ёки бир йиллик иш эмас. У доимий диққат-эътиборда бўлиши зарур. Бу борада кичик ёки катта иш ҳам йўқ. Фарзанд, тарбия тўғрисидаги масалаларнинг ҳаммаси муҳим. Болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини амалга ошириш ҳам ана шундай масалалар сирасига киради.

Шу йил 30 апрель куни вилоят ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилишда 1998 йилда болаларнинг ёзги дам олиши ва соғломлаштириш ишларининг якунлари ҳамда 1999 йилнинг ёз мавсумида бу ишга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш масалалари муҳокама этилди.

Йиғилишда вилоят бўлим ва бошқармалари бошлиқлари, шаҳар, туман ҳокимларининг ижтимоий масалалар бўйича муовинлари, вилоят Касаба уюшмалари Кенгаши ва тармоқ қўмиталарининг раҳбарлари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг муовини Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

1998 йил натижалари муҳокама этилар экан, бу борада йўл қўйилган камчиликлар ҳам очиқ айтилди. Шу билан биргаликда 1999 йилда вилоят Касаба уюшмалари тизимидаги ҳамда корхона, ташкилот, муассасалар тасарруфидаги болалар оромгоҳларини мавсумга ҳар томонлама пухта тайёрлаш ва уларга болаларни кенгроқ жалб этиш юзасидан жиддий ишлаш зарурлиги таъкидланди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар юзасидан вилоят Касаба уюшмалари Кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова, вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи Олег Тожиев, вилоят санитария-эпидемиология станцияси бош шифокори Рауф Қосимов, «Вилоятсавдо» ҳиссадорлик жамияти раҳбари Ғайрат Турсунов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазалари, таклифларини билдирдилар.

Йиғилишда 1999 йил мавсумда болаларнинг ёзги дам олишларини ташкил этиш ва соғломлаштириш ишларини намунали ўтказиш юзасидан тегишли тадбирлар белгиланди.

ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ДОВРУҒИ

Бугун пойтахтимизТошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионати бошланади

I WORLD KURASH CHAMPIONSHIP — TASHKENT '99 — KURASH BO'YICHA I JAHON CHEMPIONATI

МУСТАҚИЛЛИК йилларида тараққиёт, иқтисодиёт ва маданият соҳаларида катта ютуқларга эришаётган Ўзбекистон спорт соҳасида ҳам халқаро майдонда ўзига хос, ўзига мос ўрин эгаллаб бормоқда. Ҳозирнинг ўзидаёқ Ўзбекистон спортчилари — боксчилар, футболчилар, теннисчилар, альпинистлар, эркин ва юнонча-румча кураш полвонлари муваффақиятларини бутун дунё тан олмоқда.

Яқинда Тошкентда Осиё мамлакатлари миллий олимпия қўмиталари Бош котибларининг Осиё олимпия кенгаши ижроия қўмитаси ҳамда халқаро олимпия қўмитаси аъзолари иштирокида бўлиб ўтган кенгашида ҳам бу яна бир бор эътироф этилди. 43 мамлакат аъзо бўлган Осиё олимпия кенгаши таркибига бор-йўғи 1993 йилда аъзо бўлиб кирган Ўзбекистон миллий олимпия қўмитаси шу қисқа вақт ичидаёқ Осиёда олимпия ҳаракатини ривожлантиришга муҳим ҳисса қўшди. Ана шу кенгаш йиғилишида Ўзбекистон XXI асрда Осиё минтақасида олимпия ҳаракатини ривожлантиришда ҳал қилувчи ўрин тутадиган мамлакатга айланади, деб баҳо берилди.

Бу бежиз эмас. Ўтган йили халқимизнинг севимли спорт турларидан бири — кураш бўйича халқаро уюшма тузилганлиги, Президентимиз Ислом Каримовнинг халқаро кураш уюшмаси фахрий Президенти этиб сайланганлиги ва ниҳоят бугун Тошкентда кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг старт олаётганлиги ўзбек спорти халқаро майдонга дадил кириб бораётганлигининг яна бир исботидир.

Кураш том маънода ўзбек халқининг спорти. Унинг бошқа спорт турларидан фарқ қиладиган жиҳатлари кўп. Аввало, полвонларда спортнинг кўпгина турлари вакилларига нисбатан ориятнинг кучлироқ бўлади. Зеро, улар белларига белбоғ бойлаб «Ҳазрат Алининг майдони»га чиққанларида, шоншуҳратдан кўра кўпроқ орномусни ўйлаб кураш тушадилар. Полвон зоти борки, Ватан, юрт меҳри беқиёс кучли, унинг обрўси, нуфузи учун муносиб беллаша олиш муқаддас бурчдир.

Кураш бўйича бугун бошланадиган биринчи жаҳон чемпионатида ҳам элликдан зиёд ҳорижий мамлакатдан ташриф буюрган номдор полвонлар ана шундай эзгу мақсад билан гиламга чиқадилар. Бинобарин, кўпминг сонли кураш ишқибозларининг ориятли полвонларнинг ажойиб беллашувларини мириқиб томоша қилишлари шубҳасиздир. Халқаро кураш ассоциацияси аъзолари бўлган мамлакатлар вакиллари ушбу биринчи чемпионатнинг Ўзбекистонда ўтказилаётганлигини қонуний ҳол, деб баҳоламоқдалар. Уларнинг айримлари Тошкентга ўзбекона кураш сирларини ўрганиш мақсадида келганликларини очиқ-ойдин эътироф этмоқдалар. Биринчи жаҳон чемпионатини ўтказиш тартибига киритилган махсус қоидалардан бири шуки, барча мамлакат полвонлари Ўзбекистон байроғининг рамзий ифодаси бўлган кўк ва яшил либосда, оқ чолварда гиламга чиқадилар. Ўртадаги ҳакам-



(Давоми 4-бетда).

ЗИЁННИ ҚОПЛАШ ИМКОНИ БОР

Сабзавотчиликда табиий офат асоратларини қандай бартараф этиш керак?

МАЪЛУМКИ, шу йилнинг 22-23-24 апрель кунлари бўлиб ўтган совуқ туфайли эртаги сабзавот экинларига ҳам жиддий зарар етди. Хўш, совуқ асоратларини бартараф этса бўладими? Бунинг учун айни кунларда нималарга эътибор бериш керак? Сабзавот далаларида қандай тадбирларни зудлик билан амалга ошириш талаб этилади? Мухбиримиз Тошкент туманидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалиги бригада бошлиғи, тажрибали деҳқон Ҳоким ака Азимов билан шу ҳақда суҳбатлашди.

— Ҳоким ака, кайфиятлар қалай?

— Нима демоқчи эканлигингизни тушуниб турибман. «Деҳқонлар зўр иштиёқ ва катта ният билан меҳнат қилишаётган эди, табиий офатдан сўнг руҳлари тушиб кетмадими, демоқчисиз-да. Ачинишнинг, тушкунликка тушишнинг фойдаси йўқ. Очиғини айтадиган бўлсак, бунақа табиий офатларни биринчи марта кўраётганимиз йўқ! Табиат табиат-да. Отабололаримиз ҳам ҳамиша табиат билан ҳисоблашиб келишган. Одатда кўк қарға келгандан сўнг дала ишларига, экин-тикинга зўр беришган. Бу бизнинг ҳисобимизда апрель ойининг охирлари, май ойларига тўғри келади.

Демак, ҳали ҳеч нарса йўқотганимиз йўқ, ҳамма иш, ҳамма имконият ҳали олдинда. Бунинг учун ҳар дамни ғанимат билишимиз керак. Шундай қиляпмиз ҳам. Совуқ уриб кетган помидор, болғар қалампири кўчатлари ўрнига янгиларини экиб тугалладик ҳисоб. Салкам беш гектар майдонда карам етиштираётган эдик. Одатда карам энг совуққа чидамли экин ҳисобланарди. Буни қарангки, карамнинг ҳам уч гектарга яқинини совуқ уриб кетди. Энди уларни «тарбиялаб» бўлмайди. Агар қўйиб берсангиз эркаклаб кетади. Шунинг учун уни бузиб ўрнига сабзи, қизил лавлаги уруғларини сепиб қўйдик.

— Эртаги картошканинг аҳволи нима бўлади?

— Тезда қатор ораларини ҳайдаб, юмшатиб, сув қўйишни бошладик. Шундай қилганлигимиз туфайли картошка эрта-индин янгидан кўклай бошлайди. Қўшимча озуқасини ҳам ўз вақтида берамиз. Албатта, ҳосилни тўлиқ бермайди-ю, ҳар ҳолда «қуруқ» ҳам қўймайди. Агар ҳафсалангиз пир бўлиб, қарамай юраверсангиз, совуқ урган картошкадан ҳеч нарса ололмайсиз. Хулласи, биз деҳқонлар бундан буён бутун ёз ва куз давомида асосий эътиборни ҳар бир қарич ердан ниҳоятда унумли фойдаланиб, мўл ва баракали сифатли ҳосил олишга қаратмоғимиз керак.

— Деҳқонларимиз ерга экин экишдан бошлаб даромад олишни ва унинг бир қисмини орзу-ҳаваларига яратишни ўйлайдилар. Назаримда деҳқонларимизга моддий мадад керакка ўхшайди.

— Бу гапингиз тўғри. Лекин, ташвишланишга ўрин йўқ. Ҳаммаси кимнинг қандай меҳнат қилишига, тадбиркорлиги, маҳорати, тажрибасига ва ниҳоят эришиладиган самарага боғлиқдир. Биз деҳқонларга белгиланган тартибда ҳақни ўз вақтда бериб борамиз. Хўжалигимиз маъмурияти ҳам 'қараб турмайди. Имкониятлардан фойдаланилади. Деҳқонлар ижтимоий ҳимоя қилинадилар, қўллаб-қувватланадилар. Мен аминманки, вақтинчалик бу қийинчиликлар ўтиб кетади. Кўрилган зарарларнинг ҳам ўрни тўлади. Бундай кунларда хўжаликлар раҳбарлари, мутасадди идоралар ҳам қараб турмайдилар. Бунга ишонаман...

Суҳбатдош:
Носир РИХСИЕВ.

РИЗҚ УНМОҚДА ҒАЛЛАЗОРДА

ТОШКЕНТ туманидаги Ҳасанбой қишлоғида ғалладан айтган ҳосилини олишнинг уддасидан чиқадиган деҳқонлар кўп. Уларнинг аксарияти «Ҳасанбой» ширкатлар уюшмаси далаларида оила пудрати усулида буғдой экиб, 40 центнердан ошириб хирмон уюшмоқда. Жумладан, ўтган йили хўжалик бўйича ўртача ҳосилдорлик 41 центнерданга тўғри келди.

Сентябрнинг охири ва октябрнинг бошида экилган 160 гектар майдондаги «Юна» навли буғдойнинг ривожи бу йил айниқса баланд. Тажрибали ғаллакорлар камида 45 центнерни мўлжаллаб туришибди.

СУРАТЛАРДА: хўжалик раиси Абдумавлон Ҳамдамов билан бригада бошлиғи Тоштемир Раҳмонбердиев ҳосил чўғини кўздан кечиришмоқда; тўлишаётган бошоқлар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Вилоят ҳаёти

янгиликлар, одамлар, воқеалар

ФИДОЙИЛАР КЕНГАШИ ИШ БОШЛАДИ

БИЗГА мустақил, эркин фикр юритувчи ёшлар керак!

Президентимиз учрашувларда, маъруза ва нутқларида буни қайта-қайта таъкидламоқдалар. Туман халқ таълими ходимлари бу даъватга амалий иш билан жавоб бермоқдалар. Деярли барча мактабларда фидойилар кенгаши ташкил этилган.

Кенгашга иқтидорли, билимга чанқоқ, эркин фикрли ёшлар уюшган. Ҳозирнинг ўзидаёқ бундай ёшлар билан ишлаш борасида бирмунча тадбирлар амалга оширилди. Ҳусусан, Шароф Рашидов номли мактабда ёш педагоглар Муҳтасар Абдураҳмонова, Гавҳар Бекжонова, Дилбар Ғойибназаровалар ташаббуси билан тузилган кенгашнинг фаолияти диққатга сазовордир. Олимлар, тажрибакорлар, устоз муаллимлар билан учрашувларда ёшларнинг билимлари, дунёқарашлари синовдан ўтказилмоқда.

Бошқа мактаблардаги кенгашларнинг ишлари ҳам аниқ мақсадларга йўналтирилиб, такомиллаштирилиб бориляпти.

Носир ИСАЕВ.

ҚАЙТА ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

БУНДАН бир йил аввал вилоятда таъсис этилган «Чернобиль ногиронлари» жамғармаси ўтган вақт ичида талаб даражасида фаолият юргиза олмади.

Яқинда унинг таркиби қайта ташкил этилди. Бўлиб ўтган йиғилишда жамғарма бошқаруви раислигига сайланган Оқилхўжа Тўрахўжаев кенгаш аъзолари билан ҳамкорликда қайд қилинган муаммоларни ўрганишга киришди.

Вилоятимиздаги 750 нафардан зиёд чернобилчиларни иқтисодий, ижтимоий, тиббий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофаза этиш Кенгашнинг муҳим вазифалари деб белгиланади.

Айни пайтда жамғарма бошқаруви ўз имкониятларини яхшилаб, чинакам ишлаш учун шаҳар ва туман ҳокимликлари билан алоқани мустаҳкамламоқда.

Саид АҲМЕДОВ.

ЭГАЛАРИНИ ТОПДИ

БИРЖА ва ким ошди савдолари давлат мулкини тасарруфдан чиқариш ва хусусийлаштиришнинг энг самарали шакли ҳисобланади.

Шунинг учун ҳам вилоят давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бошқармаси ҳамда унинг шаҳар-туманлардаги бўлимлари уларни уюштиришга алоҳида эътибор бермоқдалар.

Жорий йилнинг биринчи чораги давомида йигирма бешта шундай савдолар уюштирилди. Уларда қурилиши тугалланмаган иншоотлар, транспорт воситалари, якка тартибда уй-жой қуриш ва шахсий ёрдамчи хўжалик олиб бориш учун ер участкалари ва бошқалар сотилди. Умумий қиймати 156 миллион сўмлик 270тага яқин объект ўзларининг ҳақиқий хусусий соҳиблари қўлига топширилди. Бу биринчи чорак топшириғидагига қараганда анча кўпдир.

Собир ҲАМИДОВ.

ҲОМИЙЛАР БИРКИТИЛДИ

9 МАЙ — Хотира ва Қадрлаш кунига Бўстонлиқ туманидаги Ғазалкент шаҳарчаси ва барча хўжаликларда алоҳида ҳозирлик кўрилди.

Ҳудудда истиқомат қилаётган 683 нафар уруш иштирокчилари, чернобилчиларнинг ҳар бирига туман ҳокимининг қарори билан ҳомийлар биркитиб қўйилди. Мутасадди ташкилотлар хайрли кун арафасида уларни моддий қўллаб-қувватлаш тадбирларини амалга оширишни бошлаб юборишдилар.

Туманда Хотира майдонидаги ёдгорлик тўлиқ таъмирдан чиқарилди ва унинг атрофи ободонлаштирилди. Айни пайтда қишлоқларда, корхоналарда, мактаблар ва бошқа билим юртларида, маҳаллаларда Хотира ва Қадрлаш куни муносабати билан суҳбатлар бўлиб ўтмоқда.

Саид ВАЛИЕВ.

«АЁЛ ВА ЖАМИЯТ»

АНГРЕН шаҳрида Аёллар йилига бағишлаб ўтказилган анжуман шу мавзуга бағишланди.

«Аёл ва жамият» институти уюштирган бу тадбирда маъруза қилганлар хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи мустақиллик йилларида кучайиб бораётганлиги, улар иқтисодий, сиёсий ва маданий соҳаларда тобора кенг фаолият кўрсатаётганликларини таъкидлаб, бу республикамиз Президенти ва ҳукуматининг аёллар ҳақидаги катта ғамхўрлиги туфайли эканлигини алоҳида қайд қилдилар.

Унда Тошкент Давлат университети кафедра мудири Азиз Татибоев сайловолди ишларида хотин-қизларнинг роли, аёл етакчи, сиёсатчи, унинг одамлар билан ишлашдаги муваффақиятлари омиллари мавзуида маъруза қилди. Шарқшунос олим Баҳодир Сиддиқовнинг маърузаси «Исломда аёл ҳуқуқлари» мавзусига бағишланди. Вилоят хотин-қизлар қўмитаси раиси, вилоят ҳокимининг ўринбосари Сайёра Хўжаева «Демократик сайловларнинг моҳияти ва аҳамияти» мавзуида маъруза қилди.

Йиғилиш охирида «Демократик жамиятида аёлларнинг раҳбарлик маҳорати» мавзуидаги давра суҳбати қизғин ўтди.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

ҲИКОЯТЛАРДАН ИБОРАТ ҲАЁТ

***МУҚАДДИМА.** Ҳукамолар бир одам — бир олам, дейдилар. Чиндан ҳам шундай. Зеро, ҳар бир инсоннинг ўз ҳаёт йўли, ўз тақдири, ўз қисмати, ўзига яраша дунёси, меъёрий муддаолари, мурод-мақсадлари, машаққат ёхуд эзгуликлар билан йўғрилган умр дафтари бўлади. Таваллуд билан бошланган тириклик силсиласи мамот деб аталган интиҳо билан тугайди. Ана шу масофа оралиғидаги, ана шу вақт ўртасидаги бедорликни «Фоний зиёрат» деб атайдилар. Ана шу шууротга муносиб бўлмоқлик эса бахту-баркамоллик чўққиси билан ўлчанади. Ёруғ жаҳонда яхши ёки ёмон ном қолдиришлик ана шу маконда илдиз отади, бўй ростлайди. Шу боис, алломалар демишларки: «Кимки эзгу ном билан абадий обрў топар, ўлса ҳам яхшиликла эсга олингай оти. Фазилат эгалари мақтасин, мақтамасин, чин инсонга керакмас пардозчининг хизмати».*

ҲИКОЯТ. Саксон уч яшар Тожибой ота Юсупов эслайди: «Биз ҳамюртларимиз. Ҳозиргидай ёдимда. 1938 йилда Қибрай туманининг Чинобод қишлоғида Давлатбек билан Ҳурбибининг оиласида тўртинчи фарзанд туғилди. Унга бобо манзиллари, юрар йўллари нурли бўлсин, деган ниятда «Барот» деб исм қўйдилар. Орадан йиллар ўтди. Шу аснода Бўстонлиқ туманига кўчиб келдик. Яхши ният — ижобат, деганлари тўғри экан, Барот рисоладагидек йигит бўлиб етишди. Унинг одамларга парвоналиги, етим-есирларга қайишувчанлиги, катта-кичикка ғамхўрлиги, ҳайрли ишларнинг бошида бўлишлик сингари фазилатлари менга ёқиб қолиб, унга Нисобиби деган синглимни завжаликка бердим. Уч ўғил, тўрт қиз кўрдилар... Афсуски, ажойиб қўшни, елкадош бирадар, маҳалла-кўй сардори, сирдош маслаҳатгўй бўлган бу инсон у дунёга барвақтроқ рихлат қилди. Начора, Аллоҳ иродаси, балки, шундай бўлгандир. Аммо бемалол айтиш мумкинки, ундан яхши от қолди.

ҲИКОЯТ. Бўстонлиқ туманидаги 125-автобаза директори Тошмат Аширбоев бир зум сукут сақладида, ўзгача бир кайфият билан сўзлай бошлади: «Ҳа, одамларнинг вужудига, туриш-турмушига, ўтмиш ва келажагига даҳл этадиган воқеалар бўлар экан. Президентимизнинг 9-майни Хотира ва Қадрлаш куни, деб эълон қилганликлари, шубҳасиз, миллион-миллион юртдошларимизнинг қалбини титратиб юборди. Чунки, бундай савобли тамойил яқин ўрталарда амалга оширилмаган эди.

Бизнинг корхонамиз ҳам кап-катта жамоа. Шу ерда узоқ йиллар ишлаб, обрў-эътибор қозонганлар, сўнгра нафақага чиққанлар анчагина топилади. Айрим собиқ ҳамкасбларимиз оламдан ўтдилар. Ҳаёт шунақа экан. Улар орасида Барот ака Давлатовнинг ўрни бошқача эди. Унинг ўзига яраша мавқеи, латиф жозибаси бор эди. Корхонамизда у оддий ҳайдовчиликдан механик-уста даражасигача кўтарилди. Ҳамма уни устоз мураббий деб атарди. Хотира ва Қадрлаш кунида биз ҳам тирикларни ардоқлаш, марҳумларни ёдга олиш мақсадида қатор тадбирлар ўтказамиз. Ҳамма қатори Барот аканинг номлари ҳам илиқлик билан зикр этилади, деган умиддаман. Бинобарин, қуйидаги хикматда буюк маъно бор. Машоиҳлар демишлар: «Йиллар ўтиб кетти тепангдан ғир-ғир, дўстинг мозорига бордингми бирдам? Дўстинг хотирига нима эзгулик қилдингки, ўзгадан кутасан сен ҳам?»

ҲИКОЯТ. — Одам уч ҳолатда — қўшничиликда, ишда, сафарда синалади, деган нақл тўғри экан, — дейди Турдибек Мусабоев, — Барот билан дармиёна қўшнимиз. Ўттиз йил бирга ишладик. Ўзбекистонимизнинг кўпгина ерларида бирга хизмат сафарида ёки сайру-саёҳатларда бўлдик.

Оғизга тушмоқлик осон иш эмас. Баротни ҳамма «Маҳалла оғаси» ёхуд оти-жўни йўқ «Оға» деб чақиришарди. Бундай нуфузга у ўзининг амалга оширган хайрли аъмоллари билан мушарраф бўлди.

Масалан, юртимизда мустақиллик барқарор бўлган кундан бошлабоқ саҳоватли ишларга қўл урди. Маҳалла хотин-қизлар кўмитасининг раисаси Тамара Тўраева, қатор фаол отахонлар билан биргаликда маҳаллани 1993 йилда тўла газлаштирди. Сўнгра оби-ҳаёт қувурлари тортилиб, ичимлик суви келтирилди. Уч минг нафарга яқин Садриддин Айний номли маҳалла аҳли Барот Давлатовнинг саъй-ҳаракатларидан обдон ризо бўлдилар. Булар дўстимизнинг қилган кўплаб саҳоватли ишларидан бир шингил, холос... Худди шундай. «Қутида турганда бурқимайди уд, сен олов устига уни ташлагил. Эзгулик йўлида чиндил жўмард бўл, уруғ сочилмаса, унмайди ҳосил».

ҲИКОЯТ. — Мен Товоқсой деган жойда яшасам ҳам узоқ йиллар Барраж қўрғонида мактаб директори бўлиб ишладим, — дейди Тамара Александровна Фенина, — мен Барот Давлатовни жуда яхши билар эдим. У ўқув масканимизга тез-тез қадам ранжида қилиб турарди. Ота-оналар қўмитасининг аъзоси эди. Фарзандлари Гулчеҳра, Дилфуза, Баҳодир, Нилуфар, Муҳиддин, Зилола, Ҳуниддинларни жуда яхши билардим. Болаларининг барчасини олий маълумотли, Ватанга садоқатли, халқ хизматига вобаста кишилар этиб етиштирди. Шунинг ўзиёқ бир қаҳрамонлик эмасми?! Бундайларни доим одам эслайди, нафақат одамлар, олам эслайди... Аллоҳ зийнат берган инсон тилига, садоқат бирла кирса банда дилига, деганлари рост экан... Баротнинг ётган ерини Яратганнинг ўзи мунаввар айласин!..

ҲИКОЯТ. 85 ёшли Қозоқбой ота Хошимов шундай дейди: «Баркамол фарзандлар етиштириш ҳам Аллоҳ буюрган фарзи айнларнинг биридир. Баротдан бир гала ажойиб зурриётлар қолди. Унинг авлодлари падари-бузрукворларининг яхши ишларини давом эттирадилар. Етти фарзанд, тўрт куёв, уч келин, бир этак набиралар, ёру-бирадарлар, маҳалладошлар, хешу-акраболар Баротбекнинг чироқларини ўчирмайди, деган умиддаман». Дарвоқе... Минг йиллар тубида ҳаёт нишони туғилар, тарк этар вужуд дунёни. Билмаймиз, ибтидо, интиҳо қайда, камол авлод экан фалак даврони.

ХУЛОСА. Мақолани тугатиб, мақсадни мухтасар ҳолда ифода этмоқликка жазм қилдик. Камина ҳам тилга олган укахонимизни жуда яхши билар эди. Қўлни сийнага қўйиб, айтиш мумкинки, Барот Давлатов ҳақиқатан эслашга, хотирлашга арзигулик инсонларнинг бири эди. У, зотан, ўзини бир умр инсонларга, эзгу ва солиҳ амалларга, одамларнинг дилини ва кўзини ёритишга, мардонавор меҳнатга, она-Ватанга бахшида этди. У оддий эди. Лекин, пири-муршидлар айтганидек, улуғлик баайни ана шу оддийликдадир. Чунки, бугун Аллоҳ каромати, мумтозлар шарофати билан ана шундай жафокаш, жонфидо одамлар хотирланмоқда, қадрланмоқда.

Раҳимберди УМАРОВ.

9 май — Хотира ва Қадрлаш куни

ФАХРИЙЛАР МАМНУН

ПОЙТАХТИМИЗнинг Акмал Икромов тумани «Нуроний» жамғармаси кўпгина савоб ишларга ташаббускор бўлмоқда. Яқинда тумандаги 50 нафардан ортиқ уруш ва меҳнат фахрийлари буюк аллома Имом ал-Бухорий ёдгорлиги мажмуини зиёрат қилиб қайтишди.

— Буюк муҳаддис бобокалонимиз зиёратгоҳини янада гўзал ва нурли бўлиши мустақиллигимиз шарофати ила амалга ошган савобли иш бўлди, — деди «Қорёғди» маҳалласида яшовчи уруш фахрийси Тўлаган ота Рустамов. — Бу кунларга етганлар бор, етмаганлар бор. Қарангки бир асрга яқин биз ота-боболаримизнинг меросидан бебахра эдик. Мана, энди нафақат биз, балки, бутун дунё мусулмонлари ушбу табаррук масканга ташриф буюрмоқдалар. Бу эса ўз навбатида республикамизнинг жаҳонда обрў-эътибори юксалаётганидан далолатдир.

Хотира ва Қадрлаш кунини нишонлаш арафасидаги ушбу сафар фахрийларни беҳад мамнун этди.

Саидмурод СУЛТОНОВ, Қаҳрамон СОЛИҲОВ.

Яхшилар шарофати

ЖАМИЯТ ҲАРАКАТДА

Янгийўл шаҳар ногиронлар жамиятининг ташкил топиш ва фаолияти кўлами кенгайишида ўнлаб корхоналар ва ташкилотларнинг ҳизмати салмокли бўлди. Уларнинг жамоалари жамиятга ҳар томонлама ёрдам берадилар. Шунинг учун шаҳар ногиронлари улардан чексиз миннатдор бўлмоқдалар. Жамият бошқаруви ҳайъати бу йил ногиронлар куни муносабати билан ўзига хартомонлама кўмак бераётган шундай жамоалар номини ёдгорлик тахтасига ёзишга карор килди.

Жамият аъзоларининг миннатдорлигини қозонган жамоалар орасида Янгийўл ёғ-мой комбинати, «Кока-кола», «Совпласитал» қўшма корхоналари, «Янгийўлмебел» ҳиссадорлик жамияти, «Лаззат» қандолатчилик корхонаси, «Янгийўл» агрофирмаси, қатор бошқа корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари бор. Бу жамоалар жамиятга 50 минг сўмдан 350 минг сўмгача пул беришган. Вилоят табиатни мухофаза қилиш қўмитаси эса ўзининг Янгийўл ҳудудий бўлинмасининг эски биносини унга тортиқ қилди.

Жамият ўтган йилларда вилоят, шаҳар ҳокимликлари, меҳнат жамоаларининг ёрдами билан «Ўзбекистон республикасида ногиронларнинг ижтимоий мухофазаси тўғрисидаги қонун»ни ҳаётга тадбиқ этиш бўйича катта ишларни амалга оширди. Унинг ҳисобида турувчи ногиронлар сони сал кам 2,5 минг нафарга етди. Улар 32та бошланғич ташкилотларга бирлашган.

Хашар йўли билан бошқарув биноси таъмирланди ва ободонлаштирилди. Ногиронлар учун «Меҳрибонлик» чойхонаси, махсус дўкон барпо этилди, нон цехи қурилиши ниҳоясига етмоқда. Бу иншоотларнинг қад кўтаришида фақат жисмоний чекланган кишиларгина эмас, айтиш мумкинки, бутун шаҳар аҳолиси қатнашди. Дўкон ногиронларга хизмат кўрсатишнинг ўзига хос талаблари инобатга олиб қурилган. Унинг нишаб йўлкалари, тутқичлари бор. Ҳар бир ногирон киши аравачасида ва қўлтиқтаёқларида бемалол кириб-чиқади. Унда шинамгина дам олиш бурчаги ҳам ташкил этилган. Ногиронлар учун хизмат қилаётган иккита махсус дўконда уларга маҳсулот бозордаги нархлардан 20-25 фоиз арзонга сотилади.

Жамият фақат ҳомийлар ёрдамига суяниб қолмаган. Ўзи ҳам пул топмоқда. У иккиламчи ҳом ашёлар-макулатура, фойдаланилган пластмасса чиқиндилари, металл парчалари ва бошқа шу кабиларни тайёрлаш ва давлатга топшириш билан шуғулланмоқда. Бундан ташқари, аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиляпти. Бу ишга махсус директорлик бош-қош бўлмоқда.

Ногиронларнинг турли зиёратгоҳлар, маданият ўчоқлари, табиат қўйнига ташрифлари ҳам тез-тез уюштириляпти. Бунинг учун автобусларни шаҳардаги 2503-сонли автожамлама рахбарлиги (директор А. Ражабов) ажратмоқда. Биргина ўтган йили ногиронларга кўрсатилган транспорт хизмати ҳажми пулга чаққанда 100 минг сўмликдан ҳам ошиб кетди. Албатта, жамият бунинг учун нақд пул тўламаган бўлса ҳам қарз бўлиб қолмасликнинг иложини топмоқда. Автожамлама ҳисобига 60 тонна металл парчалари ўтказди. Ўзбекистон қоғоз комбинатига эса 70 тоннага яқин макулатура топширилди. Корхона маъмурияти эса ногирон болаларга имтиёзли нархларда дафтарлар, ўраш қоғозлари ва бошқа маҳсулотлар етказиб берди.

Жорий йил арафасида ногиронларни хурсанд қилувчи яна бир хабар олинди. Янгийўл тумани хокимлиги уларга икки гектар ер майдони ажратди. Жамият бу ерда ёрдамчи хўжалик, дам олиш минтақасини барпо этишни мўлжаллаб қўйди. Йил давомида аҳолига маиший хизмат кўрсатиш қўлами ҳам кенгаяди. Қатор косибчилик, радио ва телевизорлар, шу каби бошқа рўзғор буюмларини таъмирлаш устахоналари, сартарошхоналар очилади. Болаларни ҳимоя қилиш халқаро кунида эса пул-буюм лотереяси уюштирилади.

Йил давомида тўпланган маблағлар ногиронлар учун байрам тадбирларини ўтказиш, совғалар тайёрлашга сарфланади. Бунинг учун 300 минг сўм ажратиш режалаштирилган.

Янгийўл шаҳар ногиронлар жамиятининг кўпқирали фаолиятининг айрим йўналишлари ҳақидагина гап юритдик. Унинг ибратли ишлари жуда кўп. Фаолияти, тажрибаси вилоят, қоларверса, республикамиз учун ҳам намуна қилиб кўрсатилмоқда. Улар тажрибасини ўрганиш учун мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари, шаҳарлари ва туманлари жамиятлари вакиллари келмоқдалар.

Республикамиз Президенти Ислом Каримов ўзларининг биринчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясидаги маърузаларида шундай дедилар: «Аҳолини ижтимоий ҳимоялаш тизимида ёлғиз қариялар, пенсионерлар ва ногиронларнинг талаблари ва эҳтиёжларига алоҳида эътибор бериш лозим». Бу аҳолининг бошқа ночор табақалари қатори ногиронларнинг ҳам яшаш шароитларини яхшилаш истиқболларини кўрсатади. Бундай хайрли ишга уюшган жамиятлар ҳам ўз ҳиссаларини қўшишлари турган гап. Янгийўл шаҳар ногиронлар жамиятининг фаолияти ана шундай саъй-ҳаракатдан далолат бериб турипти.

Чармиан ПЕРЕПЕЛИЦИНА.

БЕКОБОД туманидаги бу корхонада ғишт ишлаб чиқарилади. Унинг анчагина қисми фуқароларга сотилмоқда. Завод маҳсулотига бўлган талаб эса ортиб бораяпти. Буни ҳисобга олган жамоа уни ишлаб чиқаришни 1 миллион 200 минг донага кўпайтирди. Ўз навбатида корхона ишчи-хизматчиларини ижтимоий ҳимоя қилиш, саломатлигини тиклашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

СУРАТЛАРДА: завод бош муҳандиси Райимжон Эрматов бир гуруҳ ишчилар билан; ҳамшира Марина Веретенникова иш устида.

Пардавой ЭРГАШЕВ олган суратлар.

ЯШИЛ БОЙЛИК КЎПАЙСА...

***ВИЛОЯТИМИЗНИ** боғу-роғларга буркаш, яшил бойликлар яратиш, ихота дарахтзорлари бунёд этиш, энг муҳими бунёдкор халқимизни, меҳнат жамоаларини кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан таъминлашдек улуғвор ишни ўрмончилар шараф билан уддаламоқдалар. Бу борада Бекобод ўрмон хўжалиги меҳнат аҳли амалга ошираётган ишлар диққатга сазовордир.*

— Биз ниҳоятда тиғиз дамларни бошдан кечирмоқдамиз, — дейди хўжалик раҳбари Азимжон Хожимирзаев. — Иқтисодий қийин, молиявий оғир шароитда ҳам юзага келаётган муаммоларни меҳнат ва ишбилармонлик билан енгишга тўғри келмоқда.

Ҳақиқатан ҳам миллионлаб қаламчалардан, миллиардлаб уруғлардан ниҳол тўшириш, кўчатлар етиштиришнинг ўзи бўлмайди. Бу йил яшил бойлик яратувчилар 1 миллион туп турли хил кўчат тайёрлашга эришдилар. Шундан 500 минг туп мевали-манзарали дарахт кўчатлари корхона, муассаса, ташкилот, ўқув юртлари ҳамда жамоа хўжаликларига, аҳолига етказиб берилди.

Айниқса, хўжаликнинг Маъмур Имомов, Мустафо Жумабоев, Холдарали Тўйчиев, Валижон Эгамқуловлар раҳбарлик қилаётган участкаларида баҳорги ишлар қизғин бормоқда. Роҳаткул Мустафокулов, Эркинжон Имомов, Худойберди Худойназаровлар бош бўлган илғор бригадаларнинг ўрмончилари ғайрат-шижоат билан меҳнат қилмоқдалар.

Бу йил жамоа аҳли 35 гектар ерда янги ўрмонзор, 10 гектар ерда ихота дарахтзорлари ҳамда янги боғлар яратишга астойдил бел боғлаган. Шунингдек, 400 минг сўмлик халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш, 200 куб метр ёғоч тайёрлаш, 250 минг дона терак қаламчалари экишни ният қилиб қўйганлар. Шунингдек, ўрмонзорларни назорат қилиш, ёнғиндан сақлаш, мевали дарахтларга ишлов бериш, гидромелиорация ишлари, шамол кучли эсадиган ҳудудларда шартнома асосида ихота дарахтзорлари барпо этиш каби қатор ишларни ўз вақтида амалга ошириш учун астойдил ҳаракат қилмоқдалар.

Турсунали УСМОНОВ.

ТЕКШИРИШГА АСОС БОРМИ?

***ХЎЖАЛИК** юритувчи субъектлар фаолияти устидан қатъий давлат назоратини ўрнатиш молия-хўжалик ишларини тўғри юритишда, мижозлар ҳуқуқини таъминлашда катта аҳамиятга эга. Айни пайтда ана шу баҳона корхоналарни асоссиз текшириш, уларнинг ишига ноўрин аралашиш нафақат меҳнат жамоалари, балки давлат ва жамиятга ҳам зарар келтираётгани сир эмас.*

Бироқ, текширувларнинг қонуний ёки қонуний эмаслигини қандай билиш мумкин? Тошкент вилояти давлат солиқ бошқармасида ўрнатилган «ишонч телефони» бу борада жуда қўл келмоқда. Бундай телефонлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам ўрнатилган.

Корхона ва ташкилотлар вакиллари эндиликда текширувларни қайси назорат органлари қачон амалга ошириши мумкинлигини ана шу телефонлар орқали билиб олмоқдалар. Масалан, Чирчиқ автобус-такси корхонаси маъмурияти мурожаати бўйича бу ерга шаҳар прокуратураси ходимлари ноўрин келгани маълум бўлди ва назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштириш вилоят ишчи комиссияси томонидан текширувни ўтказиш тўхтатилди. Шунингдек, республика монополиядан чиқариш ва рақобатни кучайтириш бошқармаси ходимлари ҳам Бўстонлиқ туманидаги «Чимён» ҳиссадорлик жамиятига режада белгиланганидан бир неча ой аввал келгани учун

Фармон ва ижро

текшириш ўтказмай қайтишга мажбур бўлдилар.

Айни пайтда вилоятда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишни тартибга солиш тўғрисида»ги фармони ҳаётга кенг татбиқ этилаётир. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштириш бўйича тузилган вилоят ишчи комиссияси ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан корхоналарни режа асосида комплекс текшириш тадбирлари амалга оширила бошланди. Вилоят давлат солиқ бошқармаси ҳам бу борада жиддий иш олиб бораётир. Натижада корхона ва ташкилотлар ишига ўринсиз аралашиш ҳолларига барҳам берилмоқда, режадан ташқари, асоссиз текшириш ўтказиш ҳоллари кескин камаймоқда.

Текширишларни тартибга солишда хўжалик юритувчи субъектларнинг бевосита иштироки ҳам муҳим аҳамиятга эга. Шу боисдан вилоят корхона ва ташкилотларда текширишга келган назорат идораларини рўйхатга олиб бориш амалиёти кенг қўлланила бошланди. Бу ҳам режасиз текширишларни камайтиришга ёрдам бермоқда.

Шу билан бирга хўжаликлар фаолиятига асоссиз аралашиш ҳоллари бутунлай барҳам топган, деб бўлмайди. Тегишли давлат назоратини ўрнатиш борасида камчилик ва муаммолар ҳам йўқ эмас. Бу эса текширишларни тартибга солиш механизмини янада такомиллаштириш, назорат идоралари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳудудий бўлимлари ишини жонлантириш лозимлигини тақозо этади.

Н. ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.

ҲУҚУҚИЙ ТАРБИЯ ТАЛАБ ДАРАЖАСИДА БЎЛСИН

***ГОҲО** бирон бир даврада ҳуқуқ ёки қонун ҳақида гап кетгудек бўлса, дарҳол хорижий мамлакатлар ҳаётидан мисоллар келтириб, у ерда интизом, меъёрий ҳужжатларга риоя қилиш қатъийлиги ҳақида гапирувчилар учраб қолади. Лекин, бирон бир киши «Ҳой, барака топкур, биздаги талаб ҳам шу. Марҳамат қилиб, қонун билан яша, ўзингга ҳам, ўзгаларга ҳам осон бўлади» демайди. Ваҳоланки, ҳаёт тарзимизнинг бутун асоси, барпо этаётган демократик-ҳуқуқий давлатимизнинг мазмун-моҳияти ана шу тамойилга таянишини Президентимиз истиқлолнинг дастлабки йилларидаёқ қайта-қайта таъкидлаган ва буюк келажагимизга эришиш йўлидаги беш тамойилдан бири сифатида белгилаб берган эди.*

Кейинги йиллар ичида ана шу ғоя яна ҳам такомиллашиб, фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги, маданиятини ошириш зарурлиги долзарб масала сифатида кун тартибидан ўрин олди. Фармон ва қарорлар қабул қилинди. Оммабоп дарсликлар, қўлланмалар нашр этилди. Аҳоли орасида ҳуқуқий тарғибот ишлари йўлга қўйилди.

Аммо, очиғини айтиш керак, кўрилган бу тадбирларга қарамай, бу борада билим ва савиямиз пастлиги ҳамон сезилиб қолмоқда. Айниқса, бу ҳол кўпроқ ёшлар фаолиятида кўзга ташланяпти. Ўсмирлар орасида жиноятчиликнинг кўпайиб бориши, мактабларда ҳуқуқий тарбиянинг оқсаётганлиги бунинг ёрқин далилидир.

Хўш, халқ таълими тизимида бу йўналишда ислоҳотлар қилиш учун нималарга кўпроқ эътибор бериш керак? Олдинда қандай муаммолар мавжуд? Биз ана шу ва бошқа саволларга жавоб олиш мақсадида вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи О. А. ТОЖИЕВга мурожаат этдик.

— Олег Аҳмедович, ҳар сафарги суҳбатимиз чоғида халқ таълими тизимида олиб борилаётган ишлардаги ижобий томонлар кўпроқ талқин қилинарди. Шу жумладан, ҳуқуқий тарбия йўналишида ҳам. Аслида бу масала чуқурроқ ўрганилганда аҳвол ўзгачароқ эканлиги маълум бўлди. Шу муносабат билан бугунги манзарани таҳлил этиб берсангиз.

— Аввало, шуни айтиш керакки, мамлакатимиз мустақиллигининг ўтган йиллари ичида кишилар ҳаётида, дунёқарашида, юртимиз тарихида салмоқли ўзгаришлар рўй берди. Жамият бутунлай янги қиёфа, янгича мазмун касб эта бошлади. Республикамиз кучли давлатдан кучли жамият сари одимлаётгани, барча ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий фаолиятлар мустаҳкам ҳуқуқий асосда бўлишини таъминлаш йўлида самарали ишлар қилинаётгани ҳаммамизга аён.

Президентимиз белгилаб берган беш тамойилдан бири — Қонун устиворлигига эришиш «Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури»нинг узвий қисми ҳисобланади. Ўқув муассасаларида ҳуқуқий тарбия, ҳуқуқий маданият қирраларини шакллантириш шу асосда олиб борилмоқда. Хусусан, вилоятдаги мавжуд 893та умумтаълим мактабларида билим олаётган 493 минг 727 нафар ўқувчига, гимназиялар, лицейлар талабаларига ҳуқуқий билим бериш юзасидан аниқ режалар ишлаб чиқилган.

Унга кўра, бошланғич синфларда «Ҳуқуқ алифбоси» бўйича суҳбатлар, 5-8 синфларда «Ҳуқуқ сабоқлари» умумтаълим фанлари таркибига киритилди. Юқори синфларда ушбу фан мактаб ихтиёрига берилган соатлар ҳисобидан ўқитилмоқда. Дастурга мувофиқ машғулотлар ўтишда «Давлат ва ҳуқуқ асослари», «Инсон ҳуқуқлари», «Ўзбекистон Республикаси давлат органлари» каби ўқув дарсликлари ва қўлланмалар яратилганлиги айни

Миллий дастур

муддао бўлди. Биз улардан фойдаланиш билан бирга, Президентимизнинг асарларини чуқур ўрганишга ҳам эътиборни кучайтирганмиз. Бундан ташқари, мактабларда ҳуқуқ мавзуига оид тўгараклар ҳам фаолият кўрсатмоқда. Айни пайтда ҳуқуқий тарбия соҳасида фаолиятимизда чиндан ҳам жиддий муаммолар мавжудлигидан кўз юмиб бўлмайди.

— Масалан?

— Биринчи навбатда улар кадрлар билан боғлиқ. Мен бу ҳақда шу йил бошида Республика Олий Мажлисининг ҳуқуқий маданиятни ошириш бўйича ишчи гуруҳи Янгийўл туманида ўтказган семинар кенгашда ҳам гапириб берганман. Бугунги кунда умумтаълим мактабларида дарс бераётган 996 нафар ўқитувчининг 779 нафари ҳуқуқшунослик фанидан дарс бериши мумкин бўлган тарих фани ўқитувчиларидир. Лекин, бугунги талаб билим муассасаларида айни адлия мутахассислари машғулотларга жалб этилишини тақозо қилмоқда. Биз шундан келиб чиқиб, 35 нафар ҳуқуқшунос, 5 нафар прокуратура, 6 нафар адлия ходимларини бу ишга таклиф этганмиз. Ҳозирги вақтда 63 нафар жўғрофия фани ўқитувчиси, 111 нафар бошқа фанлар муаллимлари ҳам болаларга ҳуқуқдан дарс бермоқдалар. Шунинг ўзидан кўриниб турибдики, бу ҳол ўқувчилар савиясига салбий таъсир этмай қолмайди. Мактабларда дарс бераётган ўқитувчиларнинг ихтисослиги, албатта, ҳуқуқ илмидан бўлишлигига эришиш бизнинг бурчимиз. Касб саводхонлигини ошириш орқали муаллимларнинг ҳамда мактабларга жалб этилган прокуратура, суд, адлия ходимларининг ўзларида юқори ҳуқуқий маданиятни шакллантириш, болаларга бериладиган таълимнинг мазмунини чуқур аниқлаб олиш, ҳар бир ўқувчи билан якка тартибда шуғулланиш, ўқитувчиларнинг ўзларини қайта ўқитиш муаммоларини ҳал этишимиз керак.

Яширишнинг ҳожати йўқ. Дўконларда ҳуқуқ илми, қонунларга оид дарсликлар етарли бўлгани ҳолда, мактабларда улар танқис. Бозор иқтисодиёти шароитида дарсликлар фақат сотиб олинишини мактаблардаги бор қўлланмалардан эҳтиёткорлик билан фойдаланиш зарурлигини ота-оналарга, ўқувчиларга етказишда ҳам мушкулликларга дуч келинмоқда. Лекин, бу муаммоларни бизга ҳеч ким ҳал этиб бермайди, ечимини ўзимиз топишимиз зарур ва шарт.

— Шу фикрингизни кенгроқ шарҳлаб берсангиз...

— Бемалол. Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурига кўра вилоят Ўқитувчилар малакасини ошириш институтида фаолиятлари ҳуқуқий тарбия билан боғлиқ муаллимлар учун жадвалли тарзда курслар ташкил қилинди. Уларда машғулотлар муддати ўқитувчи шу пайтгача қайси соҳа ихтисослигини эгаллаганлигига қараб йўлга белгиланмоқда. Жойларда ҳуқуқий мавзуларда семинарлар, мулоқот давралари ўтказиш ҳам анъанага айланди. Янгийўл шаҳридаги 10-мактаб «Давлат ҳуқуқи асослари» фанидан ишлаб чиқилган дастур бўйича синов майдончасига айлантирилди. Ангрен, Олмалиқ шаҳарлари, Қибрай, Пскент, Оққўрғон туманларидаги қатор мактаблар ўқитувчиларининг иш тажрибалари оммалаштирилмоқда. Мактабларда ҳуқуқий таълим юзасидан ўтказилаётган олимпиадаларга талаб кучайтирилди. Ўсмирлар томонидан содир этилган жиноятлар кўпайган шаҳар ва туманларда «Маҳалла, оила, мактаб» кенгашлари фаолият кўрсата бошлади.

Ҳозирги пайтда вилоят халқ таълими бошқармасида жиноятчилик, қонунбузарлик ва гиёҳвандликнинг олдини олишга қаратилган мукаммал дастур устида иш олиб борилмоқда ва бу масала бўйича мувофиқлаштирувчи Кенгаш фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йили Кенгаш томонидан гиёҳванд моддалар ва спиртли ичимликларни истеъмол қилувчи ўсмирларни аниқлаш ва бундай ҳолларнинг олдини олишга оид иккита услубий қўлланма тайёрлаб жойларга етказилди. Қатор шаҳар ва туманларда «Прокурор куни», «Ҳуқуқий мавзуда мулоқот» даврлари ўтказиш одат тусига кирди. Икки йилдан буён «Сиз қонунни биласизми?» мавзуида ўтаётган кўрик-танловлар тарбияни жонлантиришда катта аҳамият касб этмоқда.

Сўзимни хулоса қилиб, шуни таъкидламоқчиманки, ҳали бажараётган ишларимиздан шахсан ўзимнинг кўнглим тўлмайди. Ҳозирги талаб бошқача. Жамиятимизда қонун устуворлигига эришиш борасида халқ таълими тизимида ҳуқуқ билимини ёш авлодга сингдириш йўлида кўп изланиш ва меҳнат талаб қилинади. Ҳаммадан ҳам муҳими бу йўналишда лоқайдлик, юзакичиликка асло йўл қўйиб бўлмайди.

Суҳбатдош: Саидвали ҲАСАНОВ.

ОЛАМ ҲАФТА ИЧИДА

● МАМЛАКАТЛАР ● ОДАМЛАР ● ВОҚЕАЛАР

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» СИЗНИНГ ДОИМИЙ ҲАМРОҲИНГИЗ!

Боксалар тулқинида

● БИРЛАШГАН Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Кофи Аннан пайшанба куни Москвага ташриф буюрди. У юқори мартабали арбоблар билан Косово можароси атрофидаги муаммолар юзасидан фикр алмашди.

● СТРАСБУРГДА Грузияни Оврупо Кенгаши (ОК)га расмий қабул қилиш маросими бўлиб ўтди. Эндиликда мазкур ташкилотга аъзо мамлакатларнинг сони 41тага етди.

● ОҚ УЙ маъмурияти Яқин Шарқда тинчлик ўрнатиш жараёни бўйича АҚШ, Исроил ва Фаластин ўртасида уч томонлама олий даражадаги музокаралар ўтказиш ташаббуси билан чиқди. Бундай мулоқотлар Исроилда парламент сайловларидан сўнг олти ой ичида бўлиши мумкин.

● ЖАНУБИЙ Африка Республикаси президенти Нельсон Мандела расмий ташриф билан Россия Федерациясига келди. У савдо-иқтисодий, маданий муносабатларни янада ривожлантириш юзасидан музокаралар олиб борди.

● ЯПОНИЯ бош вазири Кэйдзо Обутининг келгуси ҳафтада давлат ташрифи билан АҚШга сафар қилажаклиги эълон қилинди.

● АВСТРИЯДА ядровий ҳавфсизлик конвенциясига аъзо мамлакатлар вакилларининг анжумани бўлиб ўтди. Тадбир иштирокчилари атом электр станциялари ҳавфсизлигини ошириш ва бу борадаги ҳамкорликни кенгайтириш режаларини кўриб чиқдилар.

● БЕЛАРУСЬ президенти А. Лукашенко Москвага келди. У икки мамлакат — Россия ва Беларусь Иттифоқи якуний шартномаси юзасидан РФ президенти Б. Ельцин билан мулоқотда бўлди. Бундан ташқари яна ўн бир ҳужжатга имзо чекилди.

● ЖАҲОН озиқ-овқат дастури раҳбарияти Шимолий Корея аҳолисига шошилинч ёрдам кўрсатиш учун 260 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағ зарурлигини маълум қилди. Америка Қўшма Штатлари билан имзоланган келишувга биноан АҚШ май ойида Пхеньянга озиқ-овқат маҳсулотларининг дастлабки туркумини етказиб беради.

ҚАРЗ УНДИРИШ «ҚОПҚОНИ»ДА

РОССИЯ Федерациясидаги иқтисодий ва ижтимоий вазият ҳамон мушкуллигича қолмоқда. Кекса ёшдагилар ўз нафақаларини вақтида ололмаётирлар, давлат бюджетидан маош оладиган ташкилотлар аҳволи кундан-кунга ёмонлашмоқда. Натижада, маориф ходимлари иш ташламоқдалар, кончилар очлик эълон қилмоқдалар, шифокорлар дори-дармонга пул топа олмаётирлар. Умумий ҳаётнинг бошқа соҳаларида ҳам турмуш қийинчиликлари «газак» олмоқда.

Америкага Халқаро Валюта Жамғармаси, Жаҳон Банки сингари ташкилотлардан қарз ундириш ниятида борган Россия вакилларининг «она сути оғзидан келди». Вашингтонда саноати ривожланган етти мамлакат молия вазирларининг кенгаши Россияга қарз бериш муаммосини кўриб чиқди. Лекин, умумий вазият кўнгилдагидек бўлмади. Чунки, Вашингтонда турган РФ ҳукумати раисининг биринчи ўринбосари Ю. Маслюков ҳамда РФ молия вазири М. Задорновлар, ҳатто, ана шу анжуманга таклиф ҳам қилинмадилар.

Охир-оқибатда мавҳум умид юзага келди. Ҳозирча июнь ойи ўрталарида Россияга 4 миллиард 200 миллион АҚШ доллари миқдорида ХВЖ томонидан қарз ажратилиши тўғрисида гап бормоқда. Аммо, кўпчилик бунга астойдил ишонмаётир.

Лекин, сўнгги мажлисда Ф. Кастро дафъатан хомуш тортди, қовоғи осилиб қолди. Ҳе йўқ, бе йўқ, мажлис тугамасданоқ, у ўрнидан туриб ташқарига чиқиб кетди. Маълум бўлишича, у ўтирган ерида ўзининг соқчилари раҳбарларидан бирининг тўсатдан йўқолиб қолганлиги ҳақида хабар олган экан.

Йўқолган шахсий соқчининг ким эканлиги дарров аниқланди. Ф. Кастро қўриқчилари сафидаги иккинчи юқори лавозимли зобит — капитан Ласаро экан. Оммавий ахборот воситалари дарҳол «дўмбира чала бошладилар». Уларнинг айтишларига қараганда, Ласаро АҚШдан сиёсий бошпана сўраган эмиш. У шу мақсадда АҚШнинг Санто-Домингодаги элчихонасида яшириниб ётган эмиш.

Кимлардир бу гапларни тўғри деб тан олмоқда, кимлардир уларни рад этяпти. Нима бўлганда ҳам ҳозирча Ласаро йўқолди. Яқин кунлар ичида можаро ойдинлашиб қолса, ажаб эмас.

ОСМОН ОЛИС, ЕР ҚАТТИҚ

ШАРҚИЙ Тимор муаммоси Индонезия давлатининг энг катта «бош оғриқлари»дан ҳисобланади. Чунки, мазкур минтақа анчадан буён Индонезиядан ажралиб чиқиш саъй-ҳаракатларини ўтказиб келмоқда. Бу масала гоҳо ойдинлашади, гоҳо боши берк кўчага кириб қолади. Куни кеча мамлакатнинг Бали оролида яна бир олий даражадаги учрашув бўлди. Индонезия президенти Б. Ю. Ҳабибий билан Австралия бош вазири Жон Говард ўртасида, баайни юқоридаги масала юзасидан, музокаралар бошланди. Унда Шарқий Тимордаги вазиятни барқарорлаштириш ва унда Австралиянинг иштироки билан боғлиқ режалар муҳокама этилди.

ШАХСИЙ СОҚЧИ ҚОЧМОҚЧИ?!

ЯҚИНДА Кариб денгизи ҳавзасидаги давлатлар Ассоциациясининг навбатдаги йиғилиши Доминикан Республикасининг пойтахти — Санто-Домингода ўтказилганлиги минтақадаги умумий муаммоларни ҳал этиш борасида ижобий умидлар уйғотди. Бироқ, Куба раҳбари Фидель Кастронинг «ошига пашша тушди».

Фидель Кастро анжуманга ташриф буюрганлигининг дастлабки кунларида жуда хушчақчақ юрди. Унинг кайфияти чоғ, юзларида табассум, нуфузли арбоблар билан қўл олишишлари самимий эди. Ҳазил-ҳузул гапларга ҳам танқислик сезилмади.

Бу дунёнинг ИШЛАРИ

● БУЮК Британияда Дэйв Суорбрикнинг номи анча машҳур. Чунки, бу қўшиқчини деярли кўпчилик яхши танийди. Шу боис бўлса керак, «Дейли телеграф» газетасида унинг вафоти хусусида чоп этилган таъзиянома мухлисларни маъюс қилди. Таъзиянома ҳам қотириб ёзилган экан. Уни ўқиганларнинг юраги эзилиб, кўзларида ёш қалқди.

Эртасига Д. Суорбрикнинг ўлмаганлиги ошкор бўлди. У бор-йўғи шифохоналарнинг бирида ўпка шамоллашидан даволанаётган экан. Рўзнома саньаткорга расман узр билдирди. Аммо, унинг рафиқаси маънавий азият учун газета жарима тўлаши керак, деб турибди.

● АМЕРИКАНИНГ Огайо штатидаги 129 бинонинг мутасаддилари ва мижозлари юз кўришишган заҳотиёқ бир-бирларини қучоқлашга ошикадилар. Бунинг сабаби бор. Фирма раҳбари ана шундай фармойиш берган. Бу одатни ҳеч ким, ҳеч қачон канда қилмайди. Чунки, олимларнинг тавсиясига қараганда, кўришишнинг бундай усули инсон кайфиятига ўта ижобий таъсир қилар экан. Юрак бир маромда ура бошлайди, нохуш асабийлашишлар дарҳол чекинади, қон босими муътадиллашади. Боз устига фирмада мулоқотлар юзасидан маърузалар ўқилмоқда, семинарлар ташкил этилмоқда. Ходимлар ва мижозлар бу йиғинларда бир-бирларини ҳурмат қилиш, мақташ, ҳазил-мутойиба, нутқ маданиятининг сирларини ўрганмоқдалар. Бундай ҳаёт тарзидан ҳамма мамнун.

(ЖАҲОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИ ХАБАРЛАРИ АСОСИДА ТАЙЁРЛАНДИ).

ТЕЛЕ кўрсатувлар дастури

ДУШАНБА, 3

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.40 «Таҳлилнома».
*
8.40 «Ўзлик». Бадиий публицистик кўрсатув.
9.05 «Менга қарата олма от». Қисқа метражли бадиий фильм.
9.40 «Олтин тож». Телевизион ўйин.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кино янгиликлари.
10.20 Кундузги сеанс: «Лаваррлик овчи». Бадиий фильм.
11.30 «Қишлоқ ҳақида ўйлар».
11.45 «Қундуз амакининг қиссалари».Мультсериал.
12.05 Ўзбекистон телерадиокомпанияси халқ чолғу оркестрининг концерти.
12.30 «Саньат олами».
12.50-14.00 «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 «Аралаш». Ҳажвий киножурнал.
18.25 «Шаҳар бедарвоза эмас».
18.45 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатининг якунларига доир.
19.05 «Тафсилот».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.20 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Биржа ва банк хабарлари.
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
21.50 «Ўмрбоқий қушиқлар».
22.25 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
23.15 «Маънавият» дастури.
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Ким эпчил-у, ким чаққон», Мульттомоша)
18.40 «Ақл ёшдамас».
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Душанбада кўришгунча».
19.50, 20.20, 23.15 Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Жаҳон» Халқаро шарх.
20.45 «Сурур» Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастур.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Муносабат».
21.55 Спорт дастури: 1.Кураш бўйича биринчи жаҳон чемпионатининг якунлари. 2. Олам футболи.
22.35 «Эгиз қушиқлар».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.00 «Шарқ эстрадаси».
23.20 Синема «Диггтаун».
00.50 «Спорт қитъаси».
01.20 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар».
19.25, 19.55 20.25,21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Бурч ва масъулият».
20.15 «Телефакт».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Очиқ дарс».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Спорт-тайм».
22.10 «Талабларга биноан».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Тунги пойтахт
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 Саргузашт фильмлар экрани.
01.30 Хайрли тун, шаҳрим!

«Халқаро» телеканали

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Дурдаршан».
16.00 «Жонли сайёра».
16.15 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари.
16.35 «Санамлар, санамлар...София Ротару».
*
Россия жамоат телевидениеси 17.20 «Оқ тўғи» клуби.
18.05 Ю.Бриннер «Қойилмақом еттиликнинг қайтиши» фильмида.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».
*
20.35 «Мерос».Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?».Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Спорт клуб».
21.45 «Замонавий дизайн».
22.00 «Вести»
22.30 Киносеанс: «Элвис ва мен». Бадиий фильм. 1-серия. (АҚШ)
23.55 «Ахборот» (рус тилида)
00.20 Тунингиз осуда бўлсин.

СЕШАНБА, 4

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 Лирик тароналар.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Маънавият» дастури.
10.55 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Ўн учинчи Осиё ўйинлари». Премьера.
11.20 «Севги сурури». Мусиқий дастур.
11.45 «Кичкина деманг бизни...».Спорт дастури.
12.05 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.35 «Ёшлик баҳори».
13.15-14.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А.Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 9-қисм.
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Бешбармоқ».
18.30 «Ҳунарманд».Тедежурнал.
18.50 «Шеър ва шуур».
19.00 «Бинокор».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00, 22.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Аёл дунёни тебратар».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим». Одил судлов йўлидан.
21.20 «Гўзал бўстон бу». Мусиқий дастур.
22.05 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-6 сериялар.
22.55 «Қиёфа». Ёқуб Аҳмедов.
23.25 «Ахборот».
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Солиқ ҳақида сабоқлар».
19.50 «Мусиқий лаҳзалар».
19.55, 20.25, 23.15. Эълонлар.
20.00 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.30 «Марду-майдон».
20.50 «Сарвиноз». Мусиқий дастур.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Газал соғинчи».
21.55 «Мунисам».
22.15 Сиз севган гуруҳ: «Байрам».
22.35 «Парламент».
22.55 «Кинотилсим».
23.10 «Ёшлар» телеканалида.
23.20 Синема. «Ўзлигини унутганлар».
01.00 «Хайрли тун!»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт».Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош» Мульттўплам.
18.30 «Сен ҳақингда ва сен учун».
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар.»
19.25, 19.55 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Суҳбатдош».
20.30 «Ахборот».
21.05 Кураш бўйича I жаҳон чемпионатига бағишланган якуний кўрсатув.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
22.15 Мусиқий йўлка.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал.
23.35 Тунги пойтахт.
23.50 Оҳанглар ва эълонлар.
23.55 «Кинонигоҳ».
01.30 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «СНН. Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Бинафша».
16.00 «Вақт хазинасидан».
16.15 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари.
16.30 «Жонли тил».
Россия жамоат телевидениеси.
17.15 99 йил қўшиқлари.
18.00 «Кумушранг серия». Пьер Ришар «Қўздан қочирма» комедиясида.
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!»
20.00 «Время»
*
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Оқшом ҳаёли».
21.45 «ТВ-4да немис тўлқини».
22.00 «Вести»
22.30 Киносеанс: «Элвис ва мен».Бадиий фильм 2-серия.(АҚШ).
00.05 «Ахборот» (рус тилида).
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ЧОРШАНБА, 5

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Наво таралсин». Мусиқий дастур.
9.00 «Озода бўлса шаҳринг».
9.20 «Остонаси тиллодан». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Кундузги сеанс: «Сени ҳеч қачон унутмайман». Бадиий фильм.
11.25 «Талаб ва таклиф».
11.45 «Мураббий». Спорт дастури.
12.05 Болалар учун театр: «Бахт қуши».
12.50 «Жараён».
13.10 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 5-6 сериялар.
14.10-14.40 «Ботма, қуёш».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Болалар учун «Гулғунчалар».
18.30 «Ўтмишдан садолар».
18.45 «Қўйлардан қўшиқларга».
19.05 «Фермер». Телетанлов.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Таълим- тарбия миллий дастури амалда».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Тараққиёт йўли».
21.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 10 қисм.
22.10 «Саньатим — саодатим». И.Ғуломов.
22.40 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 44-қисм.

«Тунги ҳамроҳ».

23.20 «Талабалик йилларим».
23.40 «Ёшлар ва эстрада».
00.05 «Ахборот».
00.35-00.40 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Спорт майдончаси», «Келинг, танишайлик», Мультомоша)
18.40 «Семорг». Ўсмирлар учун кўнгилочар дастури.
18.55 Клип-антракт.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Дил рози». Мусиқий дастур.
19.35 «Ракурс».
20.00 «Спорт-лотто».
20.10 «Лаззат».
20.30, 23.00. Эълонлар.
20.35 «Спектаклдан сўнг».
20.55 «Мусиқий лаҳзалар».
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Таниқинг Жасур Ризаев».
21.50 «Авторейд».
22.00 «Давр»-интервью.
22.10 «Хотира».
22.25 «Каталог».
22.35 «Хит-коллекция».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Тузоққа илинтириш».
00.35 Хайрли тун!

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.25 «02»тўлқинида.
18.40 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.25, 19.55 20.25, 21.00 эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.20 Мусиқий дақиқалар.
20.30 «Ахборот.»
21.05 «Онагинам».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув
21.45 «Хайрли оқшом».
22.15 Кичик концерт.
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Морена Клара». Телесериал
23.35 Тунги пойтахт.
23.50 «Кўзгу». Тележурнал
00.10 Оҳанглар ва эълонлар.
00.15 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар дастури.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Мюзик-холл».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «ТВ - 4 да немис тўлқини»
*
17.15 «Куйини топинг».
*
17.50 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Бўри ва тулки». 1-серия.
18.05 «Мафусаил». Бадиий фильм. (АҚШ).
*
Россия жамоат телевидениеси
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».
*
20.35 «Мерос». Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?» Ахборот кўрсатуви.
21.30. «Дил изҳори».
22.00 «Вести».
22.30 «Оскар мукофоти совриндорлари.1973 йил».
22.50 Кинематограф: «Рампа нурлари». Бадиий фильм.
00.50 «Ахборот» (рус тилида).
01.15 Тунингиз осуда бўлсин!

ПАЙШАНБА, 6

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.45 «Ватан мадҳи». Мусиқий дастур.
9.10 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 44-қисм.
10.00,12.00, 14.00 Янгиликлар.
10.05 Япон тили.
10.25 «Жавоҳирлар хазинаси». Адабий кўрсатув.
11.00 Хотира ва қадрлаш кунига.»Хизматни ўтай туриб...».
11.20 Болалар учун. «Саньат ғунчалари».
11.45 «Қундуз амакининг қиссалари». Мультсериал.
12.05 «Қайқал».
12.25 Ўзбек куйларидан концерт.
12.55 «Инсон ва замин». Тележурнал.
13.15 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: А. Қодирий «Мехробдан чаён». Кўп қисмли видеофильм. 10-қисм.
14.10-14.35 «Зиё».
*
15.55 Кўрсатувлар тартиби.
16.00 Футбол. Ўзбекистон чемпионати «Хоразм» (Урганч) — «Пахтакор»(Тошкент), «Сўғдиёна»(Жиззах) — «Навбаҳор» (Наманган).
17.30 Болалар учун. «Умид учқунлари».
17.50 Янгиликлар
18.00 Эстрада тароналари.
18.20 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.35 «Ажаб саодат эрур...». Бадиий-публицистик кўрсатув.
19.00 «Ҳидоят сари».
19.25, 20.25, 21.00 эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
19.55 «Юзма-юз».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
21.40 «Соҳибқирон». Видеофильм. 1-қисм.
22.30 «Қўшиққа кўчган сатрлар». М.Тоир.
23.05 ЎзТВ экранида биринчи марта «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-8 сериялар.
23.50 «Ахборот».
00.20 «Футбол майдонларида».
00.35 «Сомон йўли».
01.050-01.10 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Кусто командасининг сувости саргузаштлари». Телесериал. 44-қисм.
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Мезон».
19.50, 20.20, 23.00. Эълонлар.
19.55 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.25 «Эзгуликка баҳшида умр». Хотира ва қадрлаш кунига бағишланади.
20.40 «Яхши дам олинг».
20.55 Ўзбек мумтоз шеъриятидан.
21.00 «Давр». Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 Дониёр Тошмухамедов куйлайди.
21.55 «Мулоқот».
22.10 «Беғойим».
22.35 «Мусиқий глобус».
22.55 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 Синема. «Ажойиб товур».
00.35 «Хайрли тун !»

ЎзТВ III

17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Болалар олами».
18.25 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.15 Мусиқий дақиқалар
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «ТВ ва театр».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Армуғон». Эстрада куйларидан концерт.
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Яхши кайфият».
22.15 «Тошкент ва тошкентликлар».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 «Жаҳон спорти».
23.50 Тунги пойтахт.
00.05 Оҳанглар ва эълонлар.
00.10 Кинонигоҳ.
01.50 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14.00-15.05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15.10 «СНН.Жаҳон янгиликлари» (инглиз тилида).
15.40 «Дил изҳори».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «Спорт клуб».
*
17.15 «Куйини топинг».
*
17.50 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Бўри ва тулки». 2-серия.
18.05 «Уорлднет» янгиликлари.
18.15 Питер О,Тул «Мададкор рух» фильмида.
19.40 Клип антракт
*
Россия жамоат телевидениеси
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.0 «Время».
*
20.35 «Мерос» .Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30. «СНН-шоу».
21.45 « Кино сайёраси».
22.00 «Вести».
22.30 Кинематограф:Режиссер Ф. Копполнинг «Коттон» клуби» фильми.
00.35 «Ахборот».(рус тилида).
01.00 «Тунингиз осуда бўлсин!»

ЖУМА, 7

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 «Мухлис ёҳуд қўшиқ изидан». Мусиқий дастур.
9.00 «Зийнат».
9.20 «Ишкнома». Адабий кўрсатув.
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 Немис тили.
10.35 «Олимпиадачилар орамизда». Спорт дастури.
10.50 «Зор интизор». Бадиий фильм.
12.05 «Сомон йўли».
12.35 «Инсон ва қонун»га хатлар.
12.50 «Оламни асранг!»
13.15 Кундузги сеанс: «Индаба». Кўп қисмли бадиий фильм. 7-8 сериялар.
14.10 «Шарқ тароналари».
14.30-15.00 «Диёр».
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.10 Хотира ва қадрлаш кунига: «Бир сиқим тупроқ».
18.30 «Таянч нуқтаси».
18.45 «Шарқнинг машҳур аёллари».
19.05 «Имконият»
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақибингиз — гроссмейстер».
20.10 Оқшом эртаклари.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Истиқлолим — истиқболим»
21.25 «Соҳибқирон». Видеофильм. 2-қисм.
22.20. «Муҳаббатим соғинчи». Мусиқий дастур.
22.50 «Оила». Тележурнал.
23.20 «Халқнинг кўнгли».
23.40 «Ахборот».

«Мунаввар дунё». Дам олиш дастури.

00.10 «Момо ер». Бадиий фильм.
01.20-01.25 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

18.00 Кўрсатувлар дастури.
18.05 «Янги авлод» студияси намойиш этади («Дунё ва болалар», Мульттомоша)
18.40 «Ёшлар ва маънавият». Хотира ва қадрлаш кунига бағишланади.
18.55 «Мусиқий лаҳзалар».
19.00 «Давр». Ахборот дастури.
19.30 «Ёшлар» телеканалида.
19.35 «Талабалар шаҳарчаси».
19.50 «Далил ва шарҳ». Хотира ва қадрлаш кунига бағишланади.
20.05, 20.35, 23.25. Эълонлар.
20.10 «Рей Брэдбери театри». Телесериал.
20.40 «Ҳужжатли кино бисотидан: «Биринчи тайм». «Пахтакор» футбол командаси хотирасига.
20.55 «Созим — дил розим».
21.00 «Давр» Ахборот дастури.
21.30 «Ёшлар» телеканалида.
21.35 «Автосалтанат».
21.50 «Наволарда аён этсам». Мусиқий дастур.
22.00 «Азизим».
22.25 «Спорт ҳафтаномаси».
22.45 «Шарқ оҳанглари».
23.00 «Ёшлар» телеканалида.
23.05 «Лайлони хотирлаб...».
23.30 Синема. «Дейзи хоним».
02.20 «Мунаввар тонг истаб».

ЎзТВ III

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Ёрилтош». Мульттўплам.
9.20 Кўнгил тароналари.
9.40 Болажонлар экрани.
11.10 «Саодат калити».
11.30 «Туризм ҳақида». Ҳафталик шарҳ.
12.00 -13.40 «Кинонигоҳ».
***
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
18.10 «Ёрилтош». Мульттўплам.
18.30 «Челенджерс. Фавқулоддаги вазиятлар». Телесериал.
19.20 Ёқимли оҳанглар.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Рақслар жилоси».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Жума оқшомида».
21.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
21.45 «Фаровонлик бекати».
22.05 «Гиннес-шоу».
22.30 «Пойтахт». Информацион кўрсатув.
22.45 «Неблина». Телесериал.
23.35 Ҳар жумада.
23.40 Тунги пойтахт.
23.55 «Тунчирок». Дам олиш дастури.
00.25 Оҳанглар ва эълонлар.
00.30 «Кинонигоҳ»
02.00 «Хайрли тун, шаҳрим!»

«Халқаро» телеканали

Россия жамоат телевидениеси
6.30-8.00
*
14:00-15:05 ТУРКИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
*
15.05 Кўрсатувлар тартиби.
15:10 «СНН.Жаҳон янгиликлари». (инглиз тилида).
15.40 «Бу ажиб дунё».
*
16.00 «Севги йўлида». Сериал.
*
17.00 «СНН-шоу»
*
17.15 «Джентльмен-шоу.».
*
17.55 «Мультчархпалак».Ака-ука Гримм эртаклари. «Холл хола». 1-серия.
18.10 «Сира ундай қилма». Кинокомедия.
*
Россия жамоат телевидениеси
19.45 «Хайрли тун, кичкинтойлар!».
20.00 «Время».
*
20.35 «Мерос».Тарихий сериал.
21.25 «Оламда нима гап?». Ахборот кўрсатуви.
21.30 «Дурдаршан».
22.00 «Вести».
22.30 Кинонинг олтин асри:«Муҳаббат қучи». Мелодрама.
00:05 «Ахборот» (рус тилида)
00.30 Тунингиз осуда бўлсин!

ШАНБА, 8

«Ўзбекистон» телеканали.

6.30 «Ассалом,Ўзбекистон!».
8.00-8.30 «Ахборот».
*
8.30 Республика газеталарининг шарҳи.
8.50 «Мусиқа бўстони».Телеальманах.
9.10 «Ҳидоят сари».
9.35 «Ўзбекистон спортининг нуфузи».

«Умид» намойиш этади:

9.50 «Оқибат».
10.10 «Кўзгу».
10.30 «Она қалби» .Теленовелла.
*
10.50 «Тадбиркорлик: бугун ва эртага».
11.10 «Санамлар сарвари».Телетанлов.
11.50 «Бўстон».Тележурнал.
12.20 «Мен нечун севаман Ўзбекистонни». Публицистик кўрсатув.
12.55 «Телевизион миниатюралар театри».
13.35 «Шоҳруҳ» клуби.
14.05 Ойбек. «Қизлар». Видеофильм.
14.45-15.00 «Замин қадри».
* * *
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Хотира ва қадрлаш кунига: «Ўйноқ қунлар».
18.25 «Иқтисод ва биз»
18.50 «Бахтли воқеа».
19.25, 20.25, 21.00 эълонлар
19.30 «Ахборот»(рус тилида)
19.55 Оқшом эртаклари.
20.10 «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида).
20.20 «Жаҳон спорти».
20.30 «Ахборот».
21.05 «Соҳибқирон». Видеофильм. 3-қисм.
22.10 «Қишлоқ ҳаёти».
22.30 «Оталар чойхонаси». Мусиқий дам олиш дастури.
23.30 «Ахборот».

«Тунги ёғду» Дам олиш дастури:

24.00 Куй ва тасвир.
00.20 «Ғаройиб коллекционер». Бадиий фильм..
01.55-02.00 Ватан тимсоллари.

ЎзТВ II

8.55 Кўрсатувлар дастури.
9.00 «Янги авлод» студияси намойиш этади.
9.50 «Кусто командасининг сув ости саргузаштлари». Телесериал. 43-қисм.
10.45 «Ёшлар» телеканалида.
10.50 «Сурур». Мусиқий дастур.
11.00 «Хотира майдони».
11.20 «Тинчлик маданияти».
11.50 «Бухоройи Шариф». Мусиқий фильм. 1-қисм.
12.15 «Лаззат».
12.35 «Рамаяна». Телесериал.
13.10 «Ракурс».
13.35 «Эски альбомдан».
13.40 «О,ёшлигим!».
14.00 «Мусиқий лаҳзалар».
14.05 «Сир».
14.25 «Ўтган қунлар». Соҳибқирон Амир Темур. Хотира ва қадрлаш кунига бағишланади.
14.45 «Кунг-фу тарихи». Телесериал.
15.30. «Эгиз қ

МЕН АСКАР ОНАСИМАН

Андижондан мактуб

Ассалому алайкум ҳурматли «Тошкент ҳақиқати» муҳарририяти! Мен ушбу хатни сизларга Андижон вилоятининг Қирғизистон Республикаси билан чегарадош бўлган Қорасув шаҳридан йўлламоқдаман.

Барча оналар каби мен ҳам 16 февраль куни пойтахтимизда рўй берган мудҳиш қўпорувчилик ҳаракатларидан юраги вайрон бўлган бир инсонман. Шу Ватаннинг тузини ичиб, тузлиғига тупурмоқчи бўлган кимсалардан ҳали-ҳамон нафратдаман. Айниқса, бу ишга аралашган кишиларнинг кўпчилиги ўз бағримизда — ўз кўксимиздан оқ сут ичиб улғайган ёш, навқирон фарзандларимиз эканлигини билгач, биз ота-оналардан ҳам қайси жойдадир жиддий хато ўтганини англадим. Бу ҳақдаги ўз фикрларимни аллақачон газетага ёзиб юбормоқчи эдим, лекин мавруди бўлмади. Бир неча кун аввал Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг XIV сессияда сўзлаган нутқини тинглаб, бир она сифатида ўз мулоҳазаларимни ичимда сақлаб туролмадим.

Президент маърузасида маънавият масаласи бешта бош тамойилдан бири қилиб эътироф этилди. Маънавиятсиз келажак йўқ, албатта. Бироқ одамлар қалбига, уларнинг руҳиятига, фарзандлар онгига маънавиятни ким сингдиради? Мактабми? Боғчами? Маҳаллами? Йўқ! Бола учун энг биринчи ва энг кучли маънавий сабоқ оилада ўтилади. Тўғрироғи, бу билимнинг биринчи устози аввало онадир! Агар она ўз боласига тўғри тарбия бермаса, унинг нима ишлар билан шуғулланаётганига қизиқмаса, оналик меҳрини сингдирмаса бола мактабда ўн соатлаб маънавиятдан дарс ўқиса ҳам бефойда. Ана шунинг учун ҳам бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеаларда кўпроқ биз ота-оналар айбдормиз. Бу нарсалар такрорланмаслиги учун эса ўзимиздаги лоқайдликдан, бепарволикдан тезроқ халос бўлишимиз даркор.

Албатта, барча ўзбек аёллари юрт тақдири, фарзандлар камоли, қолаверса, мамлакатда олиб борилаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларнинг фаоллашувида ўзларини масъул деб билмоқдалар. Менинг ҳам уч ўғлим бор. Катта ўғлим Муҳаммаджон Навоий вилоятида, ўртанча ўғлим Сарваржон Тошкент шаҳридаги ҳарбий қисмларда ўз йигитлик бурчларини ўтамоқдалар. Насиб қилса мактабни тугаллаш арафасида турган Сардоржонни ҳам аскарликка кузатамиз. Чунки унинг ўзи шуни истайди. Мен шундай ўғилларим борлигидан, улар эл-юрт, Ватан хизматига яраётганидан фахрланаман. Менга ўхшаган оналар эса орамизда минг-минглабдир. Аммо баъзилар ҳам бор-ки, ўғлини аскарликдан олиб қолиш учун ўзларини минг кўйга соладилар, турли йўллар билан боласига «хизматга яроқсиз» деган ҳужжат тўғрилайдилар ёки бошқа сабаб ўйлаб топадилар. Хўш, бу билан ким ютади? Ҳеч ким! Ота-онасининг соясида имтиёз олган бола бекорчиликда бўлар-бўлмас ишларга аралашади, вақтини ўйин-кулги билан бемақсад ўтказади. Худо кўрсатмасин, бирор кўнгилсиз воқеа бўлиб қолса, биринчи жабрдийда — ота-она бўлади. Ҳар бир фарзанд юрт кўрса, одам таниса, қийинчиликларга бардош беришни ўрганса, илм олса маъқулроқ эканини биз кўпинча кейинроқ тушуниб етамиз. Президентимиз қуйиб-ёниб ёшлар ҳақида гапирганида, сизнинг, менинг фарзандларимизни назарда тутганини, шуларга ишонаётганини унутмаслигимиз керак. Ватан тақдири учун, юрт истиқболи учун битта эмас, ўнта фарзандимиз бўлса ҳам дариғ тутмайлик. Шуларга омонлик тилайлик.

Мағрур тутдим бошимни,
Тўкмайин деб ёшимни.
Келди айтар хонаси —
Бўлдим аскар онаси!

Ҳар кун қалам қўлимда,
Хат ёзаман ўғлимга.
Тўлди дил паймонаси —
Бўлдим аскар онаси!

Ортингдаги уканг ҳам
Хизматларга шай бу дам.
Кўзда севинч жоласи —
Бўлдим аскар онаси!

Сиз — юртнинг
гул-лоласи,
Элнинг эрка боласи.
Тилагим — ҳар бир аёл
Бўлсин аскар онаси!

Маҳбуба ТУРСУНОВА,
Андижон вилояти,
19-лицей-интернат
илмий бўлим мудири.

СПОРТ * * СПОРТ * * СПОРТ * * СПОРТ *

БАЛЛИ, ОҒА-ИНИЛАР

Қуйичирчиқ туманидаги «Ғалаба» хўжаликлараро спорт клуби майдонида вилоят ҳамда Қуйичирчиқ туман ҳокимликлари соврини учун бухороча ва фарғонача усулда миллий кураш бўйича вилоят биринчилиги мусобақалари бўлиб ўтди.

МУСОБАҚАНИ Қуйичирчиқ тумани ҳокимининг муовини Ҳанифа Зокирова табрик сўзи билан очди. Шу куни Паркент, Пскент, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ, Бўстонлиқ, Чиноз ва Янгийўл туманларининг тўқсонга яқин полвонлари гиламга чиқдилар.

Бухороча миллий кураш беллашувлари қуйичирчиқлик полвонларнинг устунлигида ўтиб, улар умумжамоа ҳисобида вилоят биринчилиги ғолиблигини қўлга киритдилар. Иккинчи, учинчи совринли ўринлар қибрайлик ва ўртачирчиқлик полвонларга насиб этди. Қуйичирчиқлик Равшан Ҳамзаев, Абдумалик Қаюмов ва Айдар Амирбеков, қибрайлик Ҳаким Чориев, Азимжон Тошпўлатов, Шавкат Абдураимов, Азиз Қодиров, бўкалик Расулжон Маматов ўз вазн тоифаларида вилоят биринчилиги ғолиби бўлдилар.

Фарғонача усулдаги беллашувларда паркентлик полвонларнинг қўллари баланд келиб, умумжамоа ҳисобида биринчи бўлишди. Пскентликлар иккинчи, бўкаликлар учинчи ўринни эгаллашди. Паркентлик оғаини полвонлар — Умар, Усмон ва Имом Маҳаматовлар, яна шу тумандан Алишер Ҳусниддинов, Равшан Арзиматов, Даврон Рўзиев ўз вазн тоифаларида барча рақиблари курагини ерга теккиздилар. Бу усулда фақат пскентлик Олим Файзуллаевгина 90 килограмм вазн тоифасидаги полвонлар беллашувида ғолиб чиқди.

Самад ЙЎЛДОШ.

СУРАТЛАРДА: мусобақалардан лавҳалар.

Даврон АҲМАД олган суратлар.

Уйларимиз аллага тўлсин

ВОЛИДА ҚАЛБИДАН ЯРАЛГАН ҚЎШИҚ

ОСУДА ТУН. Атроф жим-жит. Она замин бағрида борлиқ ором олмоқда. Қаерлардандир қурбақалар қуриллаши-ю, чигирткалар чириллаши қулоққа чалинади. Аммо булар ҳам тун сокинлигига шундай ярашган-ки, гўё бу табиат қонунидек, шундай бўлиши лозимдек. Осойишталик қўйнида деразаси ним ёруғ уйдан чақалоқ йиғиси эшитилди. Гўдак она сутидан бахраманд бўлиб, меҳрга қонди шекилли, кўп ўтмай тинчланди. Кейин бешик секин тебратилиб, майин қўшиқ янгради. Шунда борлиқ янада сокинлашди. Ҳатто тун бағрига сархушлик бахш этиб турган ёқимли эпкин ҳам бу сеҳрли оҳанг садоларидан маст бўлган ҳолда чечаклар билан ўйнашишдан тўхтагандек. Қурбақалар бирваракайига сайрашдан тиниб, она алласига қулоқ осгандек гўё.

Осмондаги ой болам,
Бағримдаги той болам,
Ухлаб ором ол, сенга —
Кўксим энг тинч жой, болам.
Аллаё, алла, болам...

Алла...

Ҳа, бу барчамизга таниш, қадимий қўшиқ. Алла машҳур шоирлар томонидан битилмайди. Унга буюк бастакорлар куй басталамайдилар. Йўқ, у шоиру-ёзувчилар ижодининг маҳсули эмас, у онанинг юрак қўридан оҳанг бўлиб яралган сирли қўшиқдир. Онанинг орзу-истаклари, келажак ниятлари мужассам унда. Она келажакни жажжи дилбандининг кўзи билан кўради. Фарзандининг порлоқ истиқболидан кутаётган умидларини шу сирли наво ёрдамида унинг қалбига сингиради. Она юрагидан қуйилиб чиққан алла қайси тилда янграмасин, гўдак қалбида Ватанга муҳаббат, эл-юртга садоқат, халққа ишонч туйғуларини тарбиялайди. Кекса момолар ёш оналарга фарзандларини аллалашни маслаҳат берадилар. «Она сутига тўйиб, алла оҳангларидан бахраманд бўлган гўдак юрт кишиси, эл фидойиси бўлиб улғаяди», — дейдилар улар.

Зотан, санъатга, куй-қўшиққа шайдо юракларда эзгулик ниҳоллари унган бўлиб, унга ёвузлик иллатлари тамомила ёт бўлади.

Сокин кеча бағрида ҳамон алла янграмоқда. Юрагим унинг оҳангларига мос уриб турибди. Алла айтилган уйда қулфат бўлмайди, деган ўй беихтиёр ҳаёлимдан кечади. Истардимки, ҳар бир ўзбек хонадони гўдакларнинг шўх кулгиси, шодон қийқириғи ила тўлсин. Сулув келинчаклар, дилбар қизлар бахтли она бўлиш, жўшиб алла айтиш бахтига мушарраф бўлсинлар. Алла умр бўйи юракларда акс-садо бериб, эзгу мақсадлар, буюк ишлар сари етаклайверсин.

Фаёза ИСКАНДАРОВА.

Божхона хабарлари

«ПОДАЧИ»ЛАР ҚЎЛГА ТУШДИ

МАЪЛУМКИ, чорва ҳамда паррандачилик маҳсулотларини республикамиз ҳудудидан олиб чиқиш таъқиқланган. Баъзи қонунбузарлар бундан яхши хабардор бўлсалар-да, қинғир ишга уринаётганликлари кишини ачинтиради.

Тошкент вилояти божхона бошқармасининг ходимлари Тошкент туманининг С. Раҳимов жамоа хўжалиги орқали ўтадиган Келес дарёси атрофида 3та от, 5 бош мол етаклаган К. Каримов қўшни республикага ўтмоқчи бўлганда, тўхтатиб қолишди. Умумий нархи 213 минг сўмлик отлар ва қора моллар давлат фойдасига мусодара этилиб, жиноий иш қўзғатилди.

Худди шундай яна бир ҳолатда С. Ниязов 5 бош молни қўшни республикага олиб ўтмоқчи бўлганда, ушланди. Умумий нархи 400 минг сўмлик қора моллар давлат фойдасига мусодара этилди.

Шу куни, худди шу жойдан тунги соат 04ларда А. Тоиров пуллаш учун қўшни республикага олиб кетаётган 12 бош қора мол билан тўхтатилди. Айни пайтда ушбу ҳолат бўйича суриштирув харакатлари олиб борилмоқда.

Мисоллардан кўриниб турибдики, дала бепоён, айланма йўллар бисёр бўлгани билан, қинғир ниятли кимсаларнинг қилмишлари, барибир фош этилмоқда.

Ботир ҲУСАНБОЕВ,
вилоят божхона бошқармаси Матбуот маркази ходими.

Шеърият

ВАТАН

Дилда тошган беадад ифтихоримсан, Ватан.
Дилга шодлик бахш этувчи навбаҳоримсан,
Ватан.
Барча дўстлар ҳар маҳал талпинар сенга мудом,
Иззатим, обрўм, ризқ-рўз, пахтазоримсан, Ватан.

Ҳар қарич бағринг сенинг олтинга кон, сувларга бой,
Қўлларим тилло териб ҳуснингга қўшди минг чирой,
Эркалар бизни ҳамиша мисли жаннат барча жой.
Истиқлолим — истиқболим мангу шиоримсан, Ватан.

Ўзбекистон гул диёр, сен то жаҳон тургунча тур,
Жумла оламни лол этиб, юр, ҳамиша олға юр,
Раҳнамодир Юртбошим, чин давру давронларни сур.
Э азизу мукаррам, бахтиёримсан, Ватан.

ЁШЛИК

Ёшлик даври мангу эмасдир,
Бир лаҳзасин ўтказма бекор.
Ёшлик мисли ўтли нафасдир,
Яшаш завқи унга доим ёр.

Умр ўткинчи, дам бебаҳодир,
Ўрнин босмас мил-мил симу зар.
Олқиш, шараф унга раводир,
Кимки шонга буркаса агар.

Ҳаёт чақнаб, билинг, ёш дўстлар,
Чақмоқдайин ўтиб кетмасин.
Бугун ёшлик меҳнати, рости,
Кексаликнинг эрур зинаси.

ҲАЙКАЛ ҚОШИДА

Яна келди гул-гул навбаҳор,
Зумрад либос кийди гулшанлар.
Яна атроф бўлди лолазор,
Боларилар суюб гул танлар.

Хиёбоннинг нақ ўртасида,
Ҳайкали бор жангчи полвоннинг.
Она ҳар кун келади бунга,
Дараклайди танти ўғлонин.

Дилин ҳасрат олови ёқиб,
Ўлтирганча суради хаёл.
Гўё мангу оловга боқиб,
Она шундай беради савол:

— Қайда қолдинг, эй, жигарбандим.
Соғинчингдан бўлдим-ку адо.
Неча йиллар кутиб ўртандим.
Ҳайкалингдан чиқмайди садо.

Тош ўғлонга боқиб, доғида,
Хотирасин гулга ўрайди.
Қоврилади ўзин ёғида,
Йиғлаб кўзда ёши қуриди.

Онаизор оромсиз, маъюс.
Неча йилдир кутар жонсарак.
— Яна келди юртимга Наврўз,
Аммо сендан ҳамон йўқ дарак.

Барча шоддир ҳур шаҳрим аро,
Она мангу оловга боқар.
Юрагига йиллар бўлган жо,
Яна сўнгсиз хаёлга ботар.

— Бошинг тошдан бўлсин дер эдим,
Бугун қайтдинг тош бўлиб, болам.
Йиллар ўтар, мен ҳам кетарман,
Сен яшайсан ёш бўлиб, болам.

Баҳриддин НАСРИДДИНОВ.

ЎЗБЕК КУРАШИНИНГ ОЛАМШУМУЛ ДОВРУҒИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

лар ҳам полвонлар қўллаган ҳар бир усулни баҳолаб беришда соф ғалабани «ҳалол», ярим ютуқни «ёнбош», энг кичик ютуқни «чала», кучлар тенг келганда «тенг», огоҳлантиришларни эса «танбеҳ», «дакки», «ғирром» каби ўзбекона сўзлар орқали баён қиладилар. Дарвоқе, ушбу чемпионат бундан буён қайси мамлакатда ўтказилмасин «кураш» дея ўзбекча аталишининг ўзи мана, ниҳоят, ўзбек миллий кураши жаҳон спорт асосига чиққанлигидан далолат беради, албатта.

Бундан ташқари, спортнинг кураш тури бўйича ихтисослашаётган кўпгина чет эллик мутахассислар «Кураш» ҳам яқин йилларда Олимпия ўйинлари қаторидан ўрин олиши аниқ эканлигини комил ишонч билан таъкидламоқдалар. Чунончи, Кураш халқаро ассоциацияси ижроий қўмитаси аъзоси Франс Хукендойк шундай дейди: «Мен курашни «XXI аср спорти» дея баралла айта оламан».

Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ.

«Кубок-99»

ЎТТИЗ ДАҚИҚАДА УЧ ТЎП

ФУТБОЛ бўйича Ўзбекистон кубоги учун куни кеча вилоятимизнинг «Дўстлик» жамоаси билан биринчи табақа вакили «Хива» жамоаси ўртасида ўтказилган учрашувда шундай кўрсаткич қайд этилди.

Бу учрашув «Дўстлик» майдонида ўтказилди. Ўйин майдон эгаларининг эркин ва чиройли ҳужуми билан бошланди. Натижада Ойбек Усмонхўжаев тўққизинчи дақиқадаёқ рақиб дарвозасини аниқ нишонга олиб ҳисобни очишга муваффақ бўлди. Бир дақиқа ўтар-ўтармас Игорь Буров рақиб дарвозасига тўп киритиб, ҳисобни 2:0га ўзгартирди.

Йигирма бешинчи дақиқада Ойбек Усмонхўжаев учинчи тўпни киритиб ҳисобни 3:0га етказди. Биринчи бўлимнинг охирларидаги майдон эгаларининг навбатдаги ҳужумларидан бирида яна Ойбек рақиб дарвозасини ишғол қилишга эришди. Шундай қилиб у ўттиз дақиқа ичида уч маротаба тўп киритиб, «хет-трик»ка эришди. Бу кубок баҳсларида қайд қилинган илк «хет-трик»дир. Биринчи бўлим 4:0 ҳисобида якунланди.

Ўйининг иккинчи бўлимида майдон эгалари ҳужумни бироз сусайтирдилар. Бундан фойдаланган меҳмонлар қарши ҳужумга ўтиб битта жавоб тўпи киритишга муваффақ бўлдилар. Учрашув 4:1 ҳисобида «Дўстлик»нинг йирик ғалабаси билан якунланди.

Кубок баҳсларининг қолган учрашувларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Косонсой» — «Насаф» 1:4, «Истиқлол» — «Зарафшон» 0:5, «Ситора» — «Янгиер» — 0:2, «Машъал» — «Самарқанд» — 1:3, «Кимёгар» — «Суғдиёна» — 1:2, «МҲСК» — «Навбаҳор» — 0:1, «Шаҳрихон» — «Бухоро» 3:0, «Семурғ» — «Андижон» — 3:0, «Қизилқум» — «Сурхон» — 1:0, «Трактор» — «Цементчи» асосий вақт — 1:1. (11 метрлик жарима тўпида «Цементчи» ғолиб чиқди).

Шундай қилиб ўтказилган 11 учрашувда олий табақаларнинг тўрт жамоаси биринчи табақа вакилларига ютқазиб қўйдилар.

28 май куни яна беш учрашув бўлиб ўтади: «Шўрчи» — «Металлург», «Шўртон» — «Нефтчи», «Сергели» — «Пахтакор», «Тўқимачи» — «Хоразм», «Ғазалкент» — «Темирйўлчи» жамоаларининг ғолиблари 11 ғолиб жамоага қўшилиб Кубок баҳсларини давом эттириш ҳуқуқига эга бўладилар.

Талъат ЮСУПОВ.

Об-ҳаво

РЕСПУБЛИКА об-ҳавони кузатиш бош бошқармасидан хабар қилишларича, 1-5 май кунлари пойтахтимиз ва Тошкент вилоятида об-ҳаво ўзгариб туради. Айрим ҳудудларда қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдироқ бўлиши эҳтимоли бор. Момақалдироқ пайтида шамолнинг тезлиги кучайиб, ҳар сонияда 15 метрга етади. Ҳарорат кечалари 9-14 даража атрофида, кундуз кунлари эса 27-32 даража иссиқ бўлади. Шу даврнинг ўрталарига бориб ҳаво ҳарорати бироз пасайиши мумкин. Кечалари 6-11 даража илиқ, кундуз кунлари 22-27 даража иссиқ бўлиши кутилади.

СЕРГЕЛИ туманидаги «Темирйўл қурилишини механизациялаш» очиқ турдаги акционерлик жамиятига шу тумандаги Саноат қурилиш банки томонидан 617358 — 617375 рақам билан берилган ЧЕК ДАФТАРЧАСИ **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Бўка туманидаги 23-ўрта умумий таълим мактаби томонидан 1995 йилда Мамажонова Рихсигул Аҳматжоновна номига берилган АО № 019967 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

АКМАЛ Икромов туманидаги «IZNES» хусусий фирмасининг йўқолган думалоқ муҳри ва бурчак штампи **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Тошкент вилояти монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш ҳудудий бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Баҳром Ҳалилович Жалиловга отаси **Ҳалил ЖАЛИЛОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOSHKENT HAQIQATI

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48; Эълонлар: 133-40-48, 136-57-27.

• Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0356. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Музаффар ҚЎЧҚОРОВ.* Адади 11.937 нусха.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: якка обуначилар учун 205, ташкилотлар учун 206. Босишга топшириш вақти – 20. 30. Босишга топширилди – 18.30. 1 2 3 4 5 6